Долзарб мавзу

# УНУТМАНГ: ХАТ ОРҚАСИДА ИНСОН БОР!

***«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасида: «Шикоятлар давлат органларининг, жамоат бирлашмаларининг, мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ёхуд қарорлари туфайли фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларин тиклаш талаб қилинган мурожаатларидир» деб кўрсатилган. Дарҳақиқат, ҳар бир хат ортида инсон манфаати борлигини бирон-бир мансабдор шахс, корхона раҳбари унутмаслиги лозим.***

***Мухбиримиз Рашид Аслоновнинг Бухоро шаҳар Ф.Хўжаев туман прокурори, адлия маслаҳатчиси Фурқат МАҲМУДОВ билан суҳбати ана шу мавзуда.***

- Бухоро шаҳар Ф.Хўжаев туман прокуратураси ташаббуси билан қонун талабларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида 1999 йил бошидан эътиборан туман ҳудудидаги 32 та маҳалла фуқаролари ва 2 та қишлоқ фуқаролари йиғинлари, 40 та йирик корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари, нодавлат ташкилотларида фуқароларни бевосита жойида қабул қилиш жадвали тузилган бўлиб, унга кўра фуқароларни қабул қилиш натижалари таҳлил этиб келинмоқда. Бу борада олиб борилаётган ишлар аҳоли ҳуқуқий маданиятини оширишга, уларнинг ариза ва шикоятларига тезкор муносабат билдиришга шароит яратмоқда.

Таҳлиллар натижасида аён бўлдики, аҳолига хизмат кўрсатувчи корхоналар иш фаолиятининг ҳозирги замон талабларига жавоб бермаслиги, айрим ҳолларда фуқароларнинг ариза, шикоятларига тўраларча муносабат, фуқаролар оғзаки мурожаатларида кўтарилган масалаларни пайсалга солиш, корхона ва ташкилотларда ходимларга иш ҳақларини, нафақа пулларини ўз вақтида бермаслик, моддий ёрдамга муҳтож оилаларни ҳисобга олишда адолат принциплари бузилаётгани, туман ҳудудидаги электр тармоқлари ишининг қониқарсиз аҳволдалиги, йўлларнинг носозлиги, ер, уй-жой низолари ва бошқа масалаларда камчиликлар мавжуд.

1999 йилнинг 5 ойида туман прокуратураси томонидан қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинлари, корхона ва ташкилотларда турли масалаларда 506 та фуқаро, ҳуқуқий маслаҳат сўраган 93 фуқаро қабул қилинди.

Туман прокурори томонидан 1999 йилнинг 23 феврал кунида шаҳарнинг Шайх-ул-Олам маҳалласида фуқароларни қабул қилиш жараёнида 3-гуруҳ ногирони Қудратов Олим шу маҳалла фуқаролари йиғини раиси Рўзиев Йўлдош томонидан унинг моддий ёрдам сўраб берган аризаси инобатга олинмаётганидан, аксинча, моддий ёрдамга муҳтож бўлмаган фуқароларга ёрдам берилиб келинганини айтиб, бу ишда қонун устуворлигини таъминлашни сўради. Ушбу ҳолат юзасидан мутахассислар иштирокида текшириш ўтказилганида ҳақиқатан ҳам маҳалла фуқаролари йиғини раиси Рўзиев Йўлдош томонидан оилалар моддий аҳволи чуқур ўрганилмасдан, маблағ ёрдамга муҳтож бўлмаган оилаларга совурилаётгани аниқланди. Бухоро вилоят матлубот савдо ҳиссадорлик уюшмасига қарашли «Рассом» ҳиссадорлик жамияти бош ҳисобчиси Некова Олима жамият ишчиси Олимов Неъматга 1997 йил иш ҳақи тўғрисида маълумотнома расмийлаштириб бериб, унда Олимов Неъматнинг ойлик маошини 14.450 сўмга камайтириб кўрсатган ва унга моддий ёрдам олиш учун ёрдамга муҳтож оилалар ҳисобига ўтиш имконини яратиб берган. Ф.Хўжаев туман прокуратураси томонидан Некова Олимага нисбатан Жиноят кодексининг 209-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилди ва унга 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, Жиноят кодексининг 72-моддаси қўлланилган ҳолда шу муддатга шартли ҳукм қилиниб, синов муддати белгиланди.

1999 йил 16 апрел куни Бухоро шаҳридаги 17-сон маҳаллада ўтказилган туман прокурори қабулида фуқаро Бешимов Ҳаёт қизи Ҳаётова Махсума «Нигора» тикув фабрикаси ҳиссадорлик жамиятидан ўзига тегишли нафақа пулини 8 ойдан бери ололмаётганидан шикоят қилди. Туман прокуратураси аралашувидан кейин ҳиссадорлик жамияти маъмурияти томонидан Ҳаётова Махсумага тегишли 11.803 сўм миқдоридаги нафақа пуллари 1999 йилнинг 23 апрелида ундириб берилди. Фуқаро Идиев Ислом оғзаки мурожаат қилиб, ўзи ишлаб турган Бухоро шаҳар таксимотор парки ҳиссадорлик жамиятидан 1998 йилнинг май ойидан буён иш ҳақини ололмаётганини маълум қилди. Текшириш натижасида таксимотор парки маъмурияти бу ходимдан 1999 йилнинг 1 январигача 18.149 сўм қарзи борлиги аниқланиб, апрел ойида унга 5000 сўм миқдорида маош берилди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Фуқароларнинг оғзаки мурожаатларида кўтарилаётган масалаларни ўз вақтида бартараф қилиш чорасини кўрмасликнинг асосий сабабларидан бири бу ташкилот ва муассасалар маъмуриятлари томонидан ишчи ва хизматчилар мурожаатларига бефарқлик, тўраларча муносабатдир. Туман ҳудудидаги қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинлари маъмуриятлари томонидан моддий ёрдамга муҳтож оилаларни ҳисобга олишда, уларга моддий ёрдам тайинлашда оилалар иқтисодий аҳволи чуқур ўрганилмасдан, маблағларни ноўрин сарфлашга йўл қўйиб келинаётгани ажратилган маблағларни қонун асосида ишлатиш устидан назорат қилувчи молия идоралари ва бошқа мутасадди идоралар фаолиятида жиддий камчиликлар мавжудлигини кўрсатди.

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг 14-сессиясида сўзлаган нутқида «Фуқароларнинг ижроия органларига мурожаатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, фуқароларнинг шикоятларини ўз вақтида одилона кўриб чиқиш учун, давлат органлари масъулиятини ошириш мақсадида «Давлат органлари томонидан фуқароларнинг шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида» қонун қабул қилиш зарур» деб таъкидлаб ўтдилар. Дарҳақиқат, бундай қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқишда нафақат унинг тартибини белгиловчи, балки мансабдор шахсларнинг масъулиятини ҳам оширишга қаратилган тадбир бўлиши турган гап. Зеро, мансабдор шахслар, корхоналар раҳбарлари, маҳалла ва қишлоқ фуқаролари йиғинлари маъмуриятлари, давлат ва нодавлат идоралари раҳбарлари ҳар бир хат орқасида инсон манфаатлари мавжудлигини унутмасликлари лозим.

Прокурор минбари

# АЁЛЛАР ҲАҚ-ҲУҚУҚИ ҲИМОЯМИЗДА

Ҳаётимизнинг мезони - яшашдир. Яшашнинг салоҳияти, мазмуни эса кўп жиҳатдан аёлларимизга боғлиқ. Аёлларимиз яратувчилик ишқи билан истиқболли келажак сари интилиб яшасалар, ҳаётимиз гўзаллиги янада ошиши шубҳасиз.





Президентимизнинг 1999 йилни Аёллар йили дея эътироф этишлари эъзоз эгаси - аёлни яна бир карра улуғлаш бўлди. Аёл қадрини жойига қўйиш учун эндиликда барчамиз масъулмиз.

Булунғур туман прокуратураси ана шу ёруғ ният билан тез-тез корхона, муассаса ва ташкилотларда бўлиб, ишларнинг қай даражада қонунийлик асосида олиб борилаётганлиги билан қизиқмоқда. Яқинда тумандаги «Озодлик» комбинатида олиб борилган текширувлар натижасида 1999 йилнинг 20 май куни «Умид» болалар боғчаси мудираси Д.Қодировани бошқа ишга ўтказиш тўғрисида қонунга хилоф тарзда 51-сон буйруқ чиқарилганлиги ҳамда қонунга зид хатти-ҳаракатлар олиб борилганлиги маълум бўлиб қолди. 1998 йил 27 август куни 95-сонли буйруқ билан мазкур корхонага қарашли бўлган «Умид» болалар боғчаси мудираси Д.Қодировага меҳнат интизомини бузганлигини тасдиқловчи ҳеч қандай асос бўлмаган ҳолда унга нисбатан Меҳнат қонунида кўрсатилмаган қаттиқ ҳайфсан берилган. Д.Қодирова эса ўзига берилган бу жазодан мутлақо бехабар қолаверган. Худди шундай жазолаш асоссиз тарзда бир неча бор такрорланган.

Шунингдек, шу йилнинг 19 май куни «Озодлик» комбинати касаба уюшмасининг кенгайтирилган йиғилишида корхонанинг илгари чиқарган ноқонуний буйруқлари ижроси ҳамда боғча мудираси Д.Қодированинг аризаси муҳокамаси бўлиб ўтади. Касаба уюшма раиси Р.Саубанованинг таклифига кўра мудиранинг ишда қолиш-қолмаслиги ёпиқ ҳолда овозга қўйилади. Овоз беришда бор-йўғи 14 киши қатнашиб, 10 та розилик, 4 та қарши овоз олинади. Д.Қодирова касаба уюшмасининг бундай қароридан норози бўлиб, корхона маъмуриятига ариза ёзиб, ўзининг ишда қолиш-қолмаслигини жамоанинг барча аъзолари иштирокида кўриб чиқилишини сўрайди.

Қайта йиғилиш, қайта овоз беришлардан сўнг боғча мудираси Д.Қодировани болалар тарбиячиси вазифасига 2 ой синов муддати билан ишда қолдириш ҳақида ноқонуний қарор қабул қилинган. Қолаверса, корхона касаба уюшмасига боғча мудираси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида буйруқ чиқармасдан, фақат корхона касаба уюшмаси йиғилишида кўриб чиқиш кўрсатилган.

Хуллас, баён этилган қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш мақсадида туман прокуратураси тегишли таъсир чораларини кўрди ва ҳақ жойида қарор топди.

Аёл демократик қурилишнинг иштирокчиси бўлиши керак, деймизу нега баъзан унинг интилишларига ишда, жамоада актив фаолият кўрсатишига қаршилик қиламиз?

Биз қонун кишиларимиз. Аҳолининг, жумладан, аёлларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан асло чарчамаймиз. Умумий назорат фаолиятини ташкил этиш, унинг сифат ва самарадорлигини ошириш вазифалари бўйича шу кунгача 45 та корхона, ташкилот, муассасаларда умумий назорат-текшируви ўтказдик. Текширувларда аниқланган 25 та ҳолатда ғайриқонуний тарзда ҳуқуқий актлар чиқарилганлиги аниқланиб, уларни бекор этиш юзасидан корхона, муассаса раҳбарларига эътирозномалар киритилди. Бу эътирозлар тўлиқ қаноатлантирилди ва қонунбузарлик ҳолатлари бартараф этилди. Шунингдек, ўтказилган текширувларда аниқланган қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 47 нафар мансабдор шахс огоҳлантирилди. 28 нафар шахс моддий, 84 нафари эса маъмурий жавобгарликка тортилди. 45 та текширувнинг 20 тасида жиноят ҳаракати борлиги аниқланиб, жиноий иш қўзғатилди ва тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Давлатга етказилган 348 минг сўмлик зарарни ундириш чоралари кўрилди.

Хуллас, умумий назорат фаолиятида қонун устуворлигини таъминлаш борасида барча соҳалар бўйича текширувлар ўтказилмоқда. Бу текширувлар аҳолининг, хусусан, аёлларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Шунингдек, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришдек бугуннинг долзарб вазифалари бажарилишини назорат қилиш ҳам эътиборимизда. Масалан, тумандаги «Булунғур-Прага» қўшма корхонасида Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат тўғрисидаги қонуни талаблари ижроси юзасидан ўтказилган текширувда қонунбузарлик ҳолатлари мавжудлиги аниқланди. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маъмурий бошқарув аппарати ходимлари сонини қисқартириш тўғрисида»ги 495-сонли қарори ҳамда «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компаниясининг 14-8/43 хатига асосан хизматчилар 10 нафарга қисқартирилган. Аммо штатлар қисқартирилиши тартиби тўғрисидаги тавсияга кўра иш жойи қисқараётган ходим 2 ой илгари ёзма равишда огоҳлантирилиши ва у бошқа жойдан иш ахтариб топиш имкониятига эга бўлиши керак. «Булунғур-Прага»қўшма корхонаси маъмурияти эса бу тавсияга риоя қилмай, касаба уюшмаси розилигини олмасдан туриб қонунга хилоф равишда 18 нафар ходимни ишдан озод этади. Буйруқ 4 январда чиққани ҳолда Булунғур туман «Меҳнат биржа»сига 12 январда маълум қилинган. Ишдан бўшатилганларнинг аксарияти аёллар. Улардан бири Лола Исаева эса бу даврда касаллик варақаси очдириб, даволаниб юрган. Инсон ҳуқуқларини поймол қилиш, уни менсимаслик кўринишлари ҳар қандай виждонли одамни ҳайратга солади.

Туман прокуратураси томонидан корхонадаги барча қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш юзасидан корхона раҳбари П.Радакович номига протест киритилди. Ҳозирда ушбу корхонада барча ишлар қонун талаблари даражасида йўлга қўйилди.

Текширувларимиз натижаси ўлароқ, кўплаб опа-сингилларимизнинг топталган ҳуқуқлари тикланганидан мамнунмиз. Уларнинг кўзда севинч ёши билан билдираётган миннатдорчилик сўзларини адолатли қонунларимиз шарофати деб биламиз.

**Халил ХАЛИЛОВ,**
**Самарқанд вилояти Булунғур тумани прокурори ёрдамчиси, III даражали юрист**

Тафаккур гулшани

***Бир одам олимлар ичида мақтанмоқ учун ёки нодонлар билан қичқиришмоқ учун ва ёки халқнинг кўнглини ўзига оғдирмоқ учун илм ўрганса, у киши ўтда бўлур.***

Ҳадисдан

# АРЗИМНИ КИМГА АЙТАЙ?

Жавобталаб мактублар

Мен 1975-1978 йиллар Жиззах вилояти Арнасой тумани (ҳозирги номи) «Андижон» деҳқон хўжалигида ишчи бўлиб ишлардим. Айни пахта йиғимтерими авжига чиққан пайт эди. 1978 йил 8 ноябрдан 9 ноябрга ўтар кечаси тахминан соат тунги 2 ларда пахта тозалаш машинаси оёғимни ўраб кетди ва чап оёғимнинг остки учинчи қисмидан узиб юборди. Ногирон бўлиб қолдим. Хўжалик 1979 йилдан бошлаб ногиронлик нафақаси ва иш ҳақим ўртасидаги тафовутни тўлайдиган бўлди.

1994 йил феврал ойидан бошлаб раҳбарларнинг қўнимсизлиги ва бепарволиги туфайли мен ногиронлик нафақасини ололмай қолдим. 1998 йил сентябр ойигача Жиззах вилояти Арнасой туманидаги «Андижон» деҳқон хўжалиги раҳбариятига 10 маротаба келиб кетдим. Нафақам ва иш ҳақим ўртасидаги тафовутни беришини талаб қилдим. Андижон-Жиззах ўртасида қатнаб, йўлкирага 30.000 (ўттиз минг) сўмдан ортиқ пул сарф қилдим. Хўжалик раҳбарларидан натижа чиқмагач, Арнасой туман судига мурожаат қилдим. Суд раиси Н.Қўшбоқов даъво аризамни кўриб чиқиб, «Андижон» деҳқон хўжалиги ҳисобидан менинг ҳисобимга 205258 сўм ундириш ҳақида қарор чиқарди.

Қарор чиққандан кейин ҳам яна 5 марта «Андижон» деҳқон хўжалиги раҳбарияти ҳузурига келиб-кетдим. Менга пул берилмаётганининг сабаби хўжаликка келаётган пуллар 725-ҳисоб рақами орқали ўтармиш. Бу ҳисобдан бир тийин ҳам олиб бўлмас эмиш. Мен яна таниш-билишлардан қарз-ҳавола кўтариб, Андижон-Жиззах, Дўстлик ва Арнасой ўртасида бўзчининг мокисидек зир югурмоқдаман. Суднинг қарорида ногиронлик нафақам 1994 йилдан 1998 йил сентябрига ҳисобланган эди. Мана, қарор чиққандан бери яна салкам бир йил ўтмоқда. Аммо на суд қароригача бўлган ва на суд қароридан кейинги ойлар учун нафақа пулини ололмай сарсонман. Агар хўжаликдан қарз бўлиб қолсангиз вақтида тўламаганлигингиз учун жазоланишингиз тайин. Бироқ бизга ўхшаган ногиронларга ўз вақтида эътибор бермаган раҳбарлар-чи? Уларга жазо йўқми?

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов фуқароларнинг маошларини, ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар, кам таъминланган оилаларга тўланадиган нафақа пуллари миқдорини бир неча бор оширди. Лекин уюшмада буни ҳисоб-китоб қиладиган киши топилмайди. Корхона ҳисоб рақамига пул тушмаса № 725 ҳисоб рақами орқали ойлик ва бошқа керакли пул йўналтирилмоқдаку. Масалан, 1999 йил март ойи учун хўжаликка иш ҳақи ҳисобига Арнасой банк ҳужжатларига кўра 331000 (уч юз ўттиз бир минг) сўм пул йўналтирилган. Нима учун бу пуллардан менга ўхшаган ногиронларга ажратилмайди? Нима қилай, айбим ҳалол меҳнат орқасидан ногирон бўлиб қолганимми? Сизлардан илтимос, амалий ёрдам беришларингизни сўрайман.

**Рафиқжон ОХУНОВ,**
**меҳнат ногирони, Фарғона вилояти, Ўзбекистон туманидаги Нурсух фуқаролар йиғини Учбилак қишлоғи**

***ТАҲРИРИЯТДАН: Ҳурматли Рафиқжон ака! Умид билан ёзган хатингизни борича чоп этдик. Унда келтирилган далиллар нафақат жисман ногирон кишини, балки қалбида қилча одамийлик ҳисси бор кишини ҳам титроққа солади. Турли баҳоналар билан ўзини оқламоқчи бўлиб, сизни овораи сарсон қилаётган, суд қарорларини менсимаётган «Андижон» деҳқон хўжалиги раҳбарияти танобини тортиб қўядиганлар Арнасой туманида топилади.***



Ҳаёл оғушида...

Турмуш чорраҳаларида

# КЎНГИЛСИЗ КЕЧА ИЗТИРОБЛАРИ

Инсон ҳамиша бахтли бўлишга, яхши яшашга интилади. Мен ҳам шундайлардан бири эдим. Ёшим ҳам 25 га бориб қолди. Ҳали турмушга чиққаним йўқ. Шундай бўлишига қарамай, турмуш ташвишлари, нафақат ташвиши, ҳатто ғами ҳам бошимга тушди. Яхшиси, бир бошдан сўзлаб бера қолай.

Маълумотим ўрта эди. 1993 йили ўзим яшаётган шаҳар касалхонасига ишга кирдим. Кунлар бир-бирини қувиб ўтиб борар, мен ҳаётдан ўзимнинг бахтимни ахтарсам-да, у ҳеч қачон қаршимда намоён бўлмас эди. Ниҳоят, орадан уч йиллар ўтиб, ишхонамизга ёш врач йигит келди. У ишга жойлашгач, биз у билан гаплашиб юрадиган бўлдик. Суҳбатларимиз оддий, инсоний мавзуларда бўларди. Ишқ-муҳаббат ҳақида ҳеч қачон сўзлашмагандик.

Шундай осуда кечаётган кунларнинг бирида тунги навбатчилигимиз тўғри келиб қолди. Касалхонанинг хирургия бўлимида у врач, мен хизматчи сифатида ўз ишимизни бажарардик. Аммо ярим тун бўлиб, ҳамма уйқуга кетганда у мени иш кабинетига чақирди. Ажабланмадим. Биз одатдагидек суҳбатлашиб ўтирдик. Сўнг эса у бироз ўзгаргандек бўлди ва «Гулзода, сенга бир гап айтмоқчиман, яхшилаб эшит, сени яхши кўриб юрибман, уйланиш ниятим бор» деди. Мен унга буни вақт ҳал қилишини айтдим ва ўрнимдан туриб кетмоқчи бўлдим. Аммо... ўша тун менинг ҳаётимда катта ўзгариш юз берди, мен энди илгаригидек бокира қиз эмас эдим. Мен ҳаяжондан бўғриқиб, бошим қотган, врач йигит эса албатта менга уйланажагини, фақат бироз фурсат сабр қилиб кутишим зарурлигини тинмай уқтирарди. Хуллас, йигитнинг ваъдаларига ишондим.

Кунлар, ойлар ўтиб борар, совчилардан сира дарак йўқ эди. Бора-бора менда шубҳа пайдо бўла бошлади. «Балки бу йигитнинг ширин сўзлари мени боғлаб туриш учун алдов тузоғидир?!» Энди ўзимни қўлга олиб, у билан курашмоқчи бўлдим. Аммо бу борада ўзимнинг оғироёқлигимни сездиму...

Ташвишлар энди бошланган эди. Йигит қўлимга 1000 сўм пул бериб, «Тезда болани олдириб ташла» деди. Мен қўрқдим ва бўлган воқеаларни янгамга айтдим. Янгам билан биргаликда учрашганимиз доктор биринчи болани олдириб ташлаш оғир оқибатларга олиб келишини тушунтирди. Яна қайтиб врач йигитга келдим. Унинг жаҳли чиқди ва янгам билан уччаламиз бошқа докторга учрашдик. Доктор бизга олдириб ташлаш вақти ўтганлигини, энди кечлиги ва оқибати жуда ёмон бўлишини айтди. Врач йигит у билан жанжаллашиб қолди ва жаҳл билан чиқиб кетиб қолди. Шунда ҳалиги доктор менга иш жойимга, бош шифокорга бор гапни айтишим лозимлигини маслаҳат берди.

Худди шундай қилдим. Бош шифокор врач йигитни қабулига дарҳол чақирди. Шунда не кўз билан кўрайки, йигит ўзининг қилиб юрган барча ишларидан тонди. «Кўрганим йўқ, билмайман» деб тураверди.

Мен энди мутлақо катта ҳаёт қўйнида довдираб, қайси йўлдан юрарини билмай қолган овсарга ўхшардим. Кимларнингдир маслаҳатига кўра шаҳар прокуратурасига, сўнг вилоят прокуратурасига ҳам мурожаат қилиб кўрдим. Ҳатто Қорақалпоғистон Республика Прокурорига ҳам арзнома кўтариб бордим. Лекин мени Х.Халимов қабулига мутлақо йўлатишмади. Қайга бормай, натижа бўлмади, аксинча, ўзим айбдор бўлиб қолавердим...

Эндиликда менинг мақсадим қандай қилиб бўлсада, врач йигитни айбига иқрор қилиш! Таҳририятдан илтимосим ҳам шундай: олдимга мухбир юборинглар, у билан биргаликда прокурор иштирокида врач йигитнинг айбини бўйнига қўяйлик. Уни қонун йўли билан жиноий жавобгарликка тортиб беришингизни ўтиниб сўрайман.

**ГУЛЗОДА**

***ТАҲРИРИЯТДАН: Азиз газетхон! Сиз турмуш чорраҳаларида довдираб қолган, ҳаёт сўқмоқларида адашган Гулзоданинг дардли мактуби билан танишдингиз. Биз мактуб эгасининг асл исмини, манзилини ҳам баъзи мулоҳазаларга кўра ўзгартирдик. Лекин халқимизнинг «Билмайин босдим тиканни, тортадирман жабрини» мақолининг мазмун-моҳияти барқ уриб турган хат эгасининг кўнгил дардларини тушунамиз. Начора... Баъзи аёлларимиз, қизларимиз турмуш чорраҳаларида қалтис қадам босиб, қаттиқ адашадилар. Бу бор нарса. Сўнг эса ҳаёт тажрибаси етишмаслиги, қолаверса, амалдаги қонунларимиз талабларини, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмасликлари оқибатида идорама-идора юрадилар, асоссиз талаблар қўядилар. Хунук оқибатнинг сабабини ўзларидан ахтармайдилар. Наҳотки, Гулзода қонуний никоҳсиз, эскичасига айтсак, гуноҳга ботиб қилган иши оқибатини орадан шунча вақт ўтиб, яъни «қорлар эриб, излар босилгач» англамоқда? Бунга айбдор излаяпти, кимнидир қаматмоқчи бўлаяпти. Энди идорама идора арзнома кўтариб юрмоқдан кимга фойда-ю, кимга зиён? У нимага эришмоқчи?***

***Ҳа, ҳаётга лоқайд қараш, ношудлик, шарқ аёлларига хос шаъни ва номусини асрай олмаганлигини кўз-кўз қилиш, айбни ўзгадан ахтариш... Афсус...***

***Гулзода мактубида мухбир сўрабди. Бу ерда назаримизда бунга ҳожат йўқ. Ҳаммаси ойдек равшан. Шунингдек, Гулзода врач йигитни жиноий жавобгарликка тортиб беришимизни ўтиниб сўрайди. Наҳотки, у бундай йўл нотўғри эканлигини тушунмаса? Оилани тазйиқ, зўравонлик ва мажбурлаш эвазига қуриш мумкин эмаслигини англамаса? Битта йўли бор, холос: ҳомила дунёга келишини кутиш керак. Сўнг... отасига инсоф бермаса, болага оталикни аниқлаш йўли билан бир тўхтамга келиш мумкин.***

***Хуллас, илҳомбахш гўзаллик тимсоли бўлган қизларимизнинг инсофини ўзларига берсин. Улар қаёққа қадам босаётганини билиб, нима иш қилаётганини ақл билан ўлчаб иш тутсалар кўнгиллар тинч, ҳаёт янада гўзал... Акс ҳолда...***

***Гулзоданинг изтиробли мактубини ҳам кўпларга сабоқ бўлар деган ниятда чоп этдик. Балки газетхонларда бошқа фикрлар ҳам бордир. Агар шундай бўлса, марҳамат, мактуб йўллашингиз мумкин...***

